



Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

ҚАРАНГ, ФАХРЛАНИНГ, ГУРУРЛАНИНГ, УЛАР ХАЛҚИМИЗНИНГ 13 НАФАР МАРДУ МАЙДОНЛАРИ, БАҲОДИРЛАРИ!



ОЛИМПИАДА ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2016 йил 23 августдаги фармойишига мувофиқ Олимпиада ўйинларининг ғолиб ва совриндорларини мукофотлари билан тақдирланди.

Пойтахтимиздаги «Олимпиада шон-шухрати» музейида 29 август кун Олимпиада ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Президентимиз раҳнамолигида барча жабҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар халқимизнинг эркин ва озод, тинч-осойишта, фаровон ва бахтли ҳаёт кечириши, фарзандларимизни баркамол инсонлар қилиб воғга етказишда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Халқимиз энг улуг, энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигини кенг нишонланаётган шу кунларда ҳар биримизнинг дилимизда истиқлол берган буюк неъматларга шукроналик туйғулари жўш урмоқда.

Ватан — муқаддас, унинг халқаро майдонда обрў-эътиборини юксалтиришга муносиб ҳисса қўиши энг олий бахтдир. Ўзбекистон спортчилари XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб, бутун дунёга мардлик ва жасорат ботида улуг зотларнинг муносиб ворислари эканини исботлади, халқимизнинг,

Президентимизнинг ишончини оқлади, эркин ва обод Ватанимизнинг энг улуг, энг азиз байрамга муносиб тўхфа ҳозирлади.

Ўзбек бокс мактаби вакиллари мазкур Олимпиадада мамлакатимиз спортчилари шижоат ва маҳоратда, куч ва салоҳиятда тенгсиз эканини намоён қилди. Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобига Олимпиада ўйинларининг дастлабки олтин медалини бокс бўйича вазни 49 килограммгача бўлган спортчилар беллашувда қатнашган Ҳасанбой Дўстматов келтирди. Ҳасанбой энг ёрқин жанглари олиб боргани учун Олимпиада ўйинларининг энг яхши боксчиси сифатида Вэл Баркер кубоги билан тақдирланди.

— Бизни қўллаб-қувватлаб, ишонч билдирган халқимиз ва Президентимизга миннатдорлик билдирамиз, — дейди Ҳасанбой Дўстматов. — Бу ишонч бизни галаба сари руҳлантирди, кучимизга куч қўшди. Олимпиада ўйинларида қўлга киритган олтин медалимиз энг улуг, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлайман.

Ҳазлидин Ғойибназаров вазни 64 килограммгача бўлган спортчилар баҳсида, Шаҳобиддин Зоиров вазни 52 килограммгача бўлган чарм қўлоқ усталари ўрта-

сидаги беллашувларда барча рақибларини енгиб, Олимпиада чемпиони бўлди.

— Олимпиада ўйинларида олтин медални қўлга киритаман, деб ният қилган эдим, — дейди Шаҳобиддин Зоиров. — Ниятимга етганидан, нуфузли мусобақада Ватанимиз байроғини баланд кўтариш насиб қилганидан жуда бахтиёрман. Бундай улкан ютуқларимиз Президентимиз раҳнамолигида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик самарасидир.

Ўз вазн тоифасида Бектемир Мелиқўзиев ва Шаҳрам Ғиёсов кумуш, Рустам Тўлаганов ва Муроджон Аҳмадалиев бронза медал билан тақдирланди.

XXXI ёзги Олимпиада ўйинларининг энг муҳим воқеаларидан бири оғир атлетика баҳсларида рўй берди. Тақрибли оғир атлетикачимиз Руслан Нурудинов нуфузли мусобақада олтин медални қўлга киритиш билан бирга Олимпиада рекордини янгилаб, Ўзбекистон ёшлари нималарга қодир эканини бутун дунёга яна бир қарра намоён қилди.

— Менинг галабам — бутун Ўзбекистоннинг галабасидир. Биз, ёшлар, озод ва обод юрда туғилиб, воғга етганимиздан ва халқаро майдонда Ўзбекистон номидан мусобақага чиқаётганимиздан

фахрланамиз, — деди Руслан Нурудинов. — Президентимиз ёшларга қарата маррани доимо баланд олинг, Ўзбекистон ёшлари ҳеч қандам кам эмас, ҳеч қачон кам бўлмайди, деган сўзлари қалбимизга муҳланган. Президентимизнинг ушбу даъватлари бизни янги-янги марралар сари қорлайди.

XXXI ёзги Олимпиада ўйинларининг дзюдо, эркин ва юн-рум кураши бўйича ўтказилган беллашувларда ҳам спортчиларимиз муваффақиятли иштирок этди. Дирёрбек Урозбоев, Ришод Собиров, Элмурод Тасмуродов, Ихтиёр Наврозов ва Магомед Ибрагимов Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобига бронза медалларини тақдирланди.

Давлатимиз раҳбарининг фармойишига мувофиқ мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёшлар ўртасида олимпиада ҳаракатини тарғиб этишдаги фаол иштироки, Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларидаги юксак спорт маҳорати ва мардлиги, халқаро спорт майдонларида Ўзбекистоннинг нуфузи ва обрў-эътиборини оширишга қўшган катта ҳиссаси учун спортчиларимиз бир йўла тўланадиган пул мукофоти билан тақдирланди. Олимпиада ўйинларида олтин

медални қўлга киритган спортчиларимизнинг ҳар бири 200 минг АҚШ доллари, кумуш медалга сазовор бўлган спортчиларнинг ҳар бири 100 минг доллар, бронза медални қўлга киритган спортчиларнинг ҳар бири 75 минг доллар билан мукофотланди.

Олимпиада ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларимизга «Mailbu» автомобили ҳам берилди.

Ўзбекистон халқ артистлари О.Назарбеков, М.Азизов ва бошқалар спортчиларимизни Олимпиада ўйинларидаги юксак муваффақияти билан табриклаб, келгуси нуфузли мусобақаларда омад тилади.

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи Р.Ғузионов, спортчилар Х.Дўстматов, Р.Нурудинов, Б.Мелиқўзиев, Р.Тўлаганов ва Д.Урозбоев Президентимиз Ислам Каримовга мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатган доимий эътибори учун самимий миннатдорлик билдирди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

**Байрам АЙМУРОДОВ,
Жавоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА мухбирлари.**

«ЎЗБЕКISTON ХДПНИНГ ЭНГ ФАОЛ АЁЛИ» ТАНЛОВИ

Биринчи босқич давом этмоқда

Танловнинг Андижон шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Унда 5 нафар иштирокчи 3 шарт бўйича билимини намоён этди. Биринчи — лойиҳа тақдироти шартда иштирокчилар «Хотин-қизлар бандлигини таъминлашнинг энг самарали йўли», «Хотин-қизлар сиёсий фаоллиги — фуқаролик жамиятининг муҳим шарт», «Фаровон турмуш сари» каби гояларни акс эттирган лойиҳаларини тақдим этишди.

«Қонунларимиз ҳаётимиз асосидир» шартда эса нотийқли маҳорати асосида қонунларнинг энг муҳим концептуал жиҳатлари, уларни тақомиллаштиришга доир тақлифлар билдирилди.

Сиёсий ҳозиржавоблик шартда Конституциямиз, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида»ги, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунлар, Оила, Меҳнат кодекслари асосида тузилган саволларга жавоб берилди.

Биринчи ўринни «Бобур» номидаги вилоят кутубхонаси фойдаланувчиларига хиз-



Сардор ҚОСИМОВ

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» марказида кўрик-танловнинг «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси босқичи бўлиб ўтди.

Беш нафар иштирокчи биринчи шартда мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга, уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган лойиҳаларини тақдим этишди. Иккинчи шартда қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг халқимиз ҳаётидаги аҳамияти, электорат манфаатларини таъминлашдаги ўрни ҳусусида тushuncha беришди.



Қатнашчилар учинчи — «Савол-жавоб» шартда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сиёсий партиялар ва парламент фаолияти ҳақидаги саволларга тўлиқ жавоб беришга ҳаракат қилишди.


Яқиний натижаларга кўра, Олмазор тиббиёт коллежи ўқувчиси Нилуфар Собиржонов таълимининг Тошкент шаҳар босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Барча иштирокчиларга эсдалик совғаси ва дипломлар топширилди.

Мухаббат АБДУЛЛАЕВА

ТОШКЕНТ — АНДИЖОН ПОЕЗДИ ҚАТНОВИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрами арафасида қурилиши якунланган Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли орқали 27 август кун йўловчи поездди Тошкентдан Андижонга йўл олди.



Мамлакатимизнинг истиқлол йилларидаги изчил тараққиёти улкан бунёдкорлик ишларига замин яратди. Янги саноат корхоналари, таълим ва тиббиёт муассасалари, санъат ва спорт саройлари, йўл ва кўприклар, замонавий уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Мустақиллик иншоотлари деган ибора пайдо бўлди. Уларнинг қўлиги ва гўзаллигидан шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда.

ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ ЁРҚИН НАМОЙИШИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган бундай бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Нукус, Урганч, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Термиз, Андижон, Фарғона, Наманган ва бошқа шаҳарларимиз бош режа асосида қайта қурилмоқда.

Мамлакатимиз ривожини ёрқин акс эттирган Тошкент шаҳрида ҳам улкан қурилиш, ободонлаштириш ишлари олиб боришмоқда. Пойтахтимиз ўзининг тарихий хусусиятларини сақлаган ҳолда замонавий қиёфа касб этмоқда. Янги-янги иншоотлар, турар жойлар, меҳмонхоналар, йўл ва кўприклар, сўлим боғу хибоналар

шаҳар аҳли ва меҳмонларга қулай шароит яратмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг гоёси асосида ишлаб чиқилган бош режага мувофиқ пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари олиб боришмоқда. 2013 йили Хадра майдонида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 2014 йили Олмазор ва Шайхонтоҳур туманларида янги йўллар қурилди. 2015 йилнинг май ойида Себзор ва Абдулла Қодирий кўчалари кесишган чорраҳада янги замонавий кўприк очилди.

Давоми 3-бетда.

ҚОНУН ВА ШАРҲ

Ёшларга оид давлат сиёсати

тўғрисидаги қонун Сенат томонидан маъқулланди



Жорий йилнинг 24-25 август кунлари Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш ҳамда эркинлаштиришга қаратилган 6 қонун кўриб чиқилиб, маъқулланди. Сенаторлар дастлаб «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонунни муҳокама қилишди.

Ушбу қонун истиқлолимизнинг 25 йиллиги тантаналари арафасида қабул қилинди. Бунда ўзига хос чукўр рамзий маъно бор. Зеро, ёшларга эътибор мамлакат келажагини ҳал қилувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида жисмоний ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларимизнинг замонавий билим ҳамда касб соҳиб бўлиши, жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллаши учун қўлай шароит яратилди. Бугун дунё бўйича миллионлаб болалар таълим олиш имкониятига эга бўлмаган бир пайтда мамлакатимизда болалар тўлиқ умумий ўрта таълимга жалб этиляпти,

мактабларни битираётган ёшлар академик лицей, касб-ҳунар коллежларига тўлиқ қамраб олинмоқда. Буларнинг ҳаммаси навқирон авлод учун, уларнинг келажаги учун, мамлакатнинг эртанги кўни учун қилинмоқда.

Ўтган йиллар давомида «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши ёшлар билим олиши, ҳаётда муносиб ўрин эгаллаши учун кенг йўл очди. Қувонарлиси, бу борадаги амалий, айтиш

мумкинки, тарихий ишлар бугун ҳам изчиллик билан давом этмоқда. Келажагимиз эгаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда.

— Юртимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсад йўлида амалга ошириладиган ислохотлар самарасини фарзандларимиз камолида, эришадиган ютуқларида кўриб турибмиз, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзАДП фракцияси аъзоси Шухрат Турсунбоев. — Аммо бугунги шиддатли замон, ҳаётнинг ўзи ёш авлод тарбиясида олдимизга янги, ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда. Мустақилликка эришган йилларимиз, яъни 1991 йил 20 ноябрда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган эди. Орадан шунча йил ўтди, соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга

эҳтиёж сезилди. Шунга мувофиқ, «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонун ишлаб чиқилди. Унда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатлари янада мустаҳкамланди. Бу борада давлат сиёсатини амалга оширувчи органлар ва муассасалар вазифалари, ваколатлари, шунингдек, уларнинг бу соҳадаги жавобгарлиги аниқ белгиланган берилди.

— Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш энг муҳим вазифадир, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзАДП фракцияси аъзоси Саттор Раҳматов. — Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида қонун қабул қилиниши бу борадаги ишларни янги bosқичга кўтаришда муҳим ўрин тутди.

Партияимиз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб таъкидлаш керакки, қонунда ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Унга кўра, уй-жой қуриш, сотиб олиш ва таъмирлаш, таълим муассасаларида ўқиш учун ёшларга имтиёзли кредитлар бериш, ўрта махсус, касб-ҳунар ёки олий таълим муассасасини битирганидан кейин уларнинг бандлигини таъминлаш

— Қонунга кўра, ёшлар (ёш фуқаролар) деганда, 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган шахслар назарда тутилади. Шунингдек, ёш оила деганда, 30 ёшдан ошмаган эр-хотиндан ёхуд фарзанд (бола) парваришлайётган ота ёки онадан иборат бўлган оила, шу жумладан, ёлғиз, бева эр (хотин) тушунилади, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги ЎзАДП гуруҳи аъзоси Максуда Ворисова. — Яна бир масала. Қонунда ёшларга оид давлат сиёсатини рўйбга чиқаришда жамоат ташкилотлари, энг аввало, ёшлар ташкилотларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситаларининг роли ҳамда ўрнини кучайтириш масалалари алоҳида эътиборга олинган. Давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш, баркамол авлодни тарбиялашга доир тадбирларни уюштириш ҳамда ўтказишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокининг кафолатлари белгиланган берилди.

Атрофга назар ташласак, тинч, фарзандларига меҳрибон юртда ўқиб, билим олаётган, меҳнат қилаётган ёшлар ўзини бахтиёр сезаётганини кўриш, улар кўнглидан ўтказётган

Тинч, фарзандларига меҳрибон юртда ўқиб, билим олаётган, меҳнат қилаётган йигит-қизлар юксак натижаларга эришади, дунёнинг етук ва ривожланган давлатлари сафидан мустаҳкам ўрин эгаллашимизда муносиб ҳисса қўшади.

кафолатланади. Шунингдек, қонунда меҳнат соҳасида ёшларга имтиёзлар бериш ва ишчи таълим билан қўшиб олиб бориш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича нормалар белгиланган. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш бўйича муҳим меъёрлар акс этган.

туйғуларни англаш қийин эмас. Бундай йигит-қизлар юксак натижаларга эришади, дунёнинг етук ва ривожланган давлатлари сафидан мустаҳкам ўрин эгаллашимизга муносиб ҳисса қўшади.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«БИЗ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИ ТАНЛАДИК»

Дурдона ОДИЛОВА,
Чилонзор туманидаги
51-оилавий поликлиника
ҳамшираси:

— Анчадан буён шифохонамизда фаолият юритаётган ЎзАДП бошланғич ташкилоти тадбирларида қатнашиб турардим. Партиянинг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд кишиларга бераётган ёрдами, уларни қўллаб-қувватлаб келаётгани менга маъқул бўлди.

— Партия ташаббуси билан «Кучли ижтимоий ҳимоя — асосий мақсадимиз» шиори остида акция ўтказилди. Тошкент шаҳрида ҳам қатор тадбирлар ташкил этилди. Партия ташкилотлари, депутатлар ва ҳомийлар ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам даромадли оилаларга ўз ёрдамини берди. Ана шу тадбирлар чоғида олган таассуротларим ЎзАДПга аъзо бўлишга ундади. Яқинда бир гуруҳ ёшлар қатори менга ҳам партиянинг аъзолик гувоҳномаси топширилди.

Энди сиёсий партия аъзосиман, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, партияимиз ғояларини тарғиб этиш учун билим ва тажрибамни ишга соламан.

Наргиза МУҲСИНОВА,
«Нуроний» жамғармаси
Шайхонтоҳур туман бўлими
бош ҳисобчиси:

— ЎзАДП сафига киришдан олдин унинг дастури билан яқиндан танишдим. Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва ижтимоий ҳимояни кучайтириш бўйича белгиланган вазифалар эътиборини тортди. Партиянинг бу борадаги амалий ишлари билан қизиқдим. «Коллежан — корхонага», «Кучли ижтимоий ҳимоя — асосий мақсадимиз» лойиҳалари доирасида ўтказилган тадбирларда қатнашдим. Уларда билдирилган фикр-мулоҳазалар Халқ демократик партиясини танлашимга асос бўлди.

Энди партияимиз ғояларини амалга оширишга ўз ҳиссамни қўишим, тенгдошларимга ўрнатқ бўлишим керак. Бундай эзгу мақсад менга катта куч беради.

Бобур АДIZОВ,
Тошкент архитектура-қурилиш институти талабаси:

— Сиёсий партия сафига киришдан аввал узоқ ўйладим. Барча



партияларнинг дастурлари билан танишиб чиқдим, оммавий ахборот воситалари орқали уларнинг фаолиятини кузатдим, тадбирларида иштирок этдим. Халқ демократик партияси амалга ошираётган ишлар, ундан сайланган депутатлар кўта-

риб чиқаётган ташаббуслар кўпроқ эътиборимни тортди.

Яна бир гап. Бу партия бир неча йилдан бери ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида ёш сиёсатчи кўриктанловини ташкил этиб келмоқда. Унда шу йил-

нинг ўзида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан минглаб йигит-қиз иштирок этгани эътиборимни тортди. Ёшларнинг ўзига бўлган ишончи ошишида, фуқаролик позицияси шаклланишида бундай танловлар муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлай-

ман. Шулар ҳақида мушоҳада қилиб, ЎзАДПга аъзо бўлиш фикри туғилди. Ҳозир партиянинг ёш аъзолари сони 140 мингдан зиёд экан. Улар сафига қўшилганимдан хурсандман.

Зайнура ТОШМУРОДОВА

■ «КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ» АКЦИЯСИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида ЎзАДП Фарғона вилоят, шаҳар, туман кенгашлари ҳам партия гуруҳлари аъзолари, фаоллар ва ҳамкор ташкилотлар ҳамкорлигида «Кучли ижтимоий ҳимоя — асосий мақсадимиз» акциясини ўтказмоқда.

Қалбларга қувват берувчи ташаббус

Турсунбой Усмонов Тошлоқ туманидаги номдор қурувчилардан бири. У барпо этган иморатлар туман маркази, хусусан, «Сўқчилик» қишлоғига кўрк бериб турибди.

Аммо тақдир экан, у қаттиқ ҳас-таланиб қолди. Узоқ давом этган муолажаларгина ҳаётини асради. У ҳамон тўшақда, биринчи гуруҳ ногирони. Атрофида қизлари, турмуш ўртоғи парвона. Хонадонидан қўни-қўшни, ёру биродар узилмайди. Одамлар меҳри унга қувват бахш этади. Байрам арафасида ЎзАДП Фарғона вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Дилбархон Мамажонова бош бўлиб депутатлар, партия фаоллари, ёшлар қаноти аъзолари унинг хонадонига бўлишди.

— Сиз партияимизнинг фаол аъзоси, жамиятимиз ривожига катта ҳисса қўшган инсонлардан бирисиз, — деди Дилбархон Мамажонова. — Сизни ва оила аъзоларингизни байрам билан қутлашга келдик.

Ёшлар қаноти аъзолари дарҳол ишга киришди. Бир гуруҳ йигит-қизлар ҳовлини саранжон-саришта қилишди. Депутатлар унга китоблар совға қилишди. Партия кенгаши уй бекасига рўзгор буюмларини тақдим этди.

— Кўрсатилган эътибор ва ғамхўрликдан миннатдорман, — дейди хонадон соҳиб. — Мени шунча қадрлаган ва эъзозлаганларга раҳмат. Юртимиз ҳамиша тинч, хонадонларимиз обод бўлсин!

Акция доирасида вилоятимизнинг барча туман-шаҳарларида 475 хонадонга совға-саломлар улашилди.

— Партиядошларимизнинг савобли ишларини кўриб қувондим, — дейди тошлоқлик меҳнат фахрийси Зокиржон Холдоров. — Мен умримни ерга бағишладим. Билакдан куч кетгунча пахтазор ва дала шийпони иккинчи уйим бўлди. Партия фаоллари меҳнатимни қадрлаб, доимо хабар олиб туради. Улар билан суҳбатлашиб, кўнглим тоғдек кўтарилади.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИСТИҚЛОЛ
ИМКОНΙΑТЛАРИ■ Мамлакатимизда яхлит, мустақил ва замонавий
темир йўл тизими яратилди.

Хамманинг юзида хурсандчилик. Поездга чиқаётган отахону онахонлар тилидан шукроналик тушмайди: шу кунларга етказганига шукр! Мамлакатимиз гуллаб-яшнаверсин. Юртимиз тинч, осмонимиз доимо мусаффо бўлсин. Йўловчилар мамлакатимизда рўй бераётган улкан ўзгаришлар, хусусан, транспорт тизимини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўхбатлашиб кетди.



ТОШКЕНТ — АНДИЖОН ПОЕЗДИ ҚАТНОВИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг илк йилларидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларини яхлит транспорт-коммуникация тизимига боғлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда минглаб километр янги темир йўллар қурилди, замонавий йўл инфратузилмаси яратилди.



Президентимиз, Ислам Каримов 2013 йил 26 апрель кунини халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Ангрэн — Поп йўналишида электрлаштирилган темир йўл қурилиш режалаштирилгани,

2016 йилда бу темир йўл қуриб битказилиши ва поезд қатнови йўлга қўйилишини таъкидлади.

Ана шу сўзларнинг исботи сифатида қисқа вақтда 123,1 километрлик Ангрэн — Поп темир йўли ва унинг таркибига 19,2 километрлик Қамчиқ туннели қуриб битказилди.

Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин иштирок этди.

Бу билан мамлакатимизда яхлит, мустақил ва замонавий темир йўл тизими яратилди. Улкан стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган мазкур лойиҳа мамлакатимизнинг коммуникация ва транспорт соҳасида эришган тараққиёт даражасини намоён этди.

— 2013 йилнинг апрель ойида Президентимиз халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида нутқ сўзлади. Сессияда мен ҳам қатнашганман, — дейди «Нуроний» жамғармасининг Андижон вилояти бўлими кенгаши раиси, Ўзбекистон Қўрамон Таваккал Топловдеев. — Давлатимиз раҳбарининг Тошкент — Андижон поезд йўли қурилиш ҳақидаги сўзлари наинки Фарғона vodiysi, балки бутун мамлакатимиз аҳлининг кўнглини кўтарди. Бугун ана шу гапларнинг ижобати, тарихий воқеанинг гувоҳи бўлганимизда беҳад бахтиёримиз.

Мазкур йўл Фарғона vodiysi вилоятларида поездга юк ва йўловчи ташиш имконини беради. Шу билан бирга, Хитой — Марказий Осиё — Европа янги халқаро транзит темир йўл коридорининг энг

муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистоннинг чет давлатларга чиқиш ва экспорт имкониятини, юртимизнинг транзит ролини кенгайтириш борасидаги салоҳиятини кескин оширади.

— Ўн миллиондан зиёд аҳоли яшаётган Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларининг мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан транспорт коммуникациялари анча чегараланган эди, — дейди «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг капитал қурилиш дирекцияси бошлигининг ўринбосари — Ангрэн — Поп электрлаштирилган темир йўл қурилиш бошлиги, Ўзбекистон Қўрамон Эркин Уматов. — Собик тузум даврида барча коммуникация тармоқлари, авваламбор, транспорт-логистика алоқаси қўшни республика ҳудуди орқали ўтар эди. Бу ҳолат аввало аҳоли, қолаверса, иқтисодий учун кўплаб нуқулларликлар, тўғирларди.

Одамларимиз Фарғона vodiysi мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан темир йўл воситасида тўғридан-тўғри боғлайдиган қўнлар тезроқ келишини орзу қиларди. Президентимиз мустақилликнинг илк йилларидан бу масалага алоҳида эътибор қаратди.

Дастлаб Қамчиқ домини орқали янги автомобиль йўли қурилди. Бу йил халқимизнинг яна бир орзуси ушaldi — темир йўл ҳам фойдаланишга топширилди.

— Бугун халқимиз, айниқса, Фарғона vodiysi аҳоли учун катта байрам, унутилмас тарихий кун, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими раҳбари, Ўзбекистон халқ шоири Энахон Сиддиқова. — Мен ҳам ушбу байрамда иштирок этиб, улкан бунёдкорлик ишларини қўриб, кўзларимга қувонч ёшлари келди.

...Поезд Ангрэн, Поп, Қўқон ва Марғилон шаҳарларидан ўтиб, Андижон шаҳрига етиб келди. Бу ерда ҳозир бўлганлар меҳмонларни қарнай-сурнай ва гуллар билан қўтиб олди.

Тошкентдан Андижонга замонавий поездга қўлай шароитда қандай келганимизни ҳам сезмай қолдик, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов. — Собик тузум даврида аллмасоқдан қолган поездларда қўшни республика орқали минг азоб билан йўл босганимиз ёдимиздан кўтарилгани йўқ. Бугунги хурсандчилик мустақиллигимиз, Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган улкан ислохотлар мевасидир!

Бу том маънода тарихий воқеадир.

Андижон темир йўл вокзалда ушбу воқеа муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди.

Андижон вилояти ҳоқими Ш.Абдурахмонов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Ф.Дадаҳўжаев, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси О.Раматов, Наманган давлат университети профессори Т.Файзуллаев, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори С.Фозилжонова ва бошқалар Ангрэн — Поп электрлаштирилган темир йўли ва Қамчиқ туннелининг фойдаланишга топширилиши мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти янада тараққий этишига, халқимиз турмуш фаровонлиги бундан-да юксалиб, Ватанимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ортишига хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Зокиров сўзга чиқди.

Шу кунни поезд Андижондан пойтахтимизга қайтиб келди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА махсус мухбири.

МАТБУОТ
АНЖУМАНИ

Миллий матбуот марказида «Оила» энциклопедиясининг тақдими бўлиб ўтди. Тадбир Халқ таълими вазирлиги, Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда ўтказилди.

Китоб
ТАҚДИМОТИ

— Соғлом оила жамият таянчи ва бахти, — дейди Республика «Оила» илмий маркази бўлим мудири Маҳбуба Ҳамидова. — Оилаларнинг мустақамлиги, айниқса, бўлажак оналарни — қизларимизни катта ҳаётга тайёрлаш мақсадида ушбу энциклопедияни топ эфирдик. Мазкур китобда оилага тааллуқли бўлган атамалар ва



тушунчалар баён қилинган. Бундан ташқари, жорий йилда марказ томонидан 11 номда буклет, 12 рисола, 6 услубий қўлланма нашрдан чиқарилди.

— Балоғат ёшидаги қизларимизга мўлжалланган «Қизлар энциклопедияси» хилма-хил мавзуларга бой, рангли, замонавий дизайн асосида яратилган, — дейди Марказнинг бўлим мудири Мунаввара Ёқуббекова. — Унда қизларимизнинг маънавий қиёфаси, ижтимоий ҳаётдаги ўрни ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, ундан қизиқарли маълумотлар, тестлар, маслаҳатлар ҳам ўрин олган.

Тадбир якунида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Шахбоз САИДОВ

БАЙРАМ
ТУҲФАСИ

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик тўйи арафасида мамлакатимизнинг жанубий сарҳадларида хизмат қилаётган чегарачиларга янги пост мажмуи ва уйларнинг қалити топширилди.

Чегарачиларга
ЯНГИ
уй-жойлар

— Сарҳадлар мустақамлиги, осмон мусаффолиги ва юрт тинчлиги ҳар биримизда фахрий ҳиссини уйғотади, — дейди чегарачи Санжар Исмоилов. — Соғлом она ва бола йилида 12 нафар чегарачи оиласига янги уйларнинг ҳадя этилиши ҳаммамизни мамнун этди. Оиласидан кўнгли тинч ҳарбий хизматчи ўз бурчини шараф билан ўтайди.

Абдумалик ХАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ
ЁРҚИН НАМОЙИШИ

Нурафшон кўчасининг қурилиши аҳоли учун катта қўлайлик яратиш билан бирга, Эски шаҳарни замонавий масканга айлантириш борасидаги ишларга кенг йўл очди. Ҳар томони 4 тасмали бу йўл транспортлар ҳаракатини енгилаштирди. Кўча билан параллел равишда коммуникациялар ва муҳандислик инфратузилмаси қурилди.


Президентимизнинг 2014 йил 20 ноябрдаги Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмида замонавий турар жойлар барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига асосан бу ерда кўп қаватли уйлар бунёд этилмоқда. Жорий йилда 386 хонадондан иборат 20 замонавий уй-жой қуриб битказилди.

Инсон манфаатларини таъминлаш, одамларга барча қўлайлик яратишга қаратилган эътибор ҳар қадамда кўзга ташланади. Биноларни лойиҳалаштиришда иклим шароитлари, санитария ва хавфсизлик талаблари, халқимизнинг миллий ҳаёт тарзига оид барча жиҳатлар ҳисобга олинган. Уларни қуриш ва бозорда замонавий технология ва материаллардан фойдаланилган.

Бинонинг деворлари уй ичидаги иссиқликни сақлайдиган қилиб қурилган. Ҳар бир хонадонда алоҳида иссиқлик ва сув иситиш тизимлари ўрнатилган. Бу хона ҳароратини мустақил бошқариш, энергия сарфини 2 баробаргача қисқартириш имконини беради.

Йўл бўйидаги уйлар бир қаторга эмас, балки кўчадан ҳар хил узоқликда қурилган ва оралик масофалари кенг олинган. Бу мавзеда шомол айланишини таъминлайди.

Давоми. Бошланиши 1-бетда.



Турар жойлар орасида майсозорлар барпо этилган. Манзарали дарахлар, райхонлар экилган. Болалар учун ўйин қурилмалари ўрнатилган. Фаввора ва гулзорлар ташкил этилган.

— Мустақилликнинг 25 йиллиги биз учун қўлайлиқ байрам бўлди, — дейди ушбу уй соҳибаларидан бири Нигора Ҳасанова. — Яқинда уч хонали уйга кўчиб ўтдик. Бу ерда барча шарт-шароит яратилган. Хоналар кенг, ёруғ, баҳаво. Ҳовлида оилавий сайр қилимиз, болаларимиз маза қилиб ўйнайди.

Мамлакатимизда ҳаёт сифати, аҳоли даромадлари ошиб бораётгани натижасида автомобиллар сони тобора кўпайиб бормоқда. Шунга мувофиқ йўл-коммуникация тармоқлари изчил ривожлантирилмоқда. Барча ҳудудларда янги йўллар қурилмоқда, мавжудлари кенгайтирилмоқда.

Пойтахтимизда шаҳарнинг келгуси ривожини ҳам ҳисобга олишган ҳолда кенг ва равион йўллар, кўприклар бунёд этилмоқда.

Жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар давом эттирилди. Нурафшон кўчаси Оқтепа майдонига 4 километр узайтирилди ва Мўқимий кўчасига уланди. Мўқимий ва Шота Руставели кўчалари чорраҳасида замонавий кўприк барпо этилди. Ушбу чорраҳадан бошланган берк кўчанинг иккинчи томони Бобур кўчасига уланди. Шу тариқа пойтахтимизда яна бир айланма йўл барпо этилди.

Мўқимий ва Шота Руставели кўчалари чорраҳасида илгари соатига меъёридаги 6 минг ўрнига 11 минг 500 автомобиль, яъни қарийб икки баробар кўп транспорт ҳаракатланар эди. Оқибатда тирбандлик юзага келиб, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ортиқча вақт йўқотишига, ёқили сарфи ошиб,

атроф-муҳит ифлосланишига сабаб бўларди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу ерда эни 19 метр, узунлиги қарийб 1 километр бўлган замонавий кўприк бунёд этилди. Мўқимий кўчасининг ҳар бир йўналиши беш тасмали қилиб кенгайтирилди.

Янги кўприкнинг қурилиши нафақат ушбу чорраҳадаги тирбандликни бартараф этади, балки Бунёдкор, Чилонзор, Чўпонота, Қўшбеги, Бобур кўчаларидаги қатновга ҳам ижобий таъсир қилади.

Ушбу ишоот «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятига қарашли «Кўприққурилиш» трести томонидан бунёд этилган. Хорижий энг замонавий технологиялари ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материалларидан фойдаланилган.

Кўприкнинг ёнида пийдалар учун қарийб 90 метрлик битта, Оқтепа

майдонида 48 ва 60 метрлик иккита ер усти тутиш йўлагига барпо этилган. Уларнинг усти ёпишган, атрофи бежирим панжара ва ойналар билан ўралган. Бу одамларни қишда ёғиндан, ёзда иссиқдан ҳимоялайди, атрофдаги манзарадан баҳра олишга имкон беради.

Бундай бунёдкорлик ишлари бошқа ҳудудларда ҳам амалга оширилмоқда. Йўллар кенгайтирилиб, кўприклар қурилмоқда. Транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун янада қўлайлик яратиш мақсадида Тараққиёт кўчаси ҳам узайтирилди. Унинг Пахлавон Маҳмуд ва Мирзо Улўбек кўчалари билан туташган жойидан Оҳангарон кўчасигача Тошкент механика заводи ҳудуди орқали 3 километр янги йўл қурилди. Тараққиёт кўчаси ва Кичик халқа йўли чорраҳасидаги кўприк реконструкция қилинди.

Шу каби қурилиш ва ободонлаштириш ишлари натижасида пойтахтимиз янада кўркамлашиб, яшаш учун қўлайликлар ортиб бораётир. Ўзбекистон «Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари» рейтингига жаҳон бўйича 44-ўринни, пойтахтимиз Тошкент Буюк Британиянинг «Economist» журнали бўлими — Economist Intelligence Unit (EIU) компанияси эълон қилган рейтингда дунёнинг яшаш қўлай бўлган шаҳарлари орасида 58-ўринни эгаллагани ҳам бунинг тасдиғидир.

Халқимиз бунёдкорлик салоҳиятини, мамлакатимиз тараққиётининг ёрқин намоёиши бўлган бундай замонавий ишоотлар, ободонлаштириш ишлари аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт даражасини янада оширишга хизмат қилади.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА мухбири.

ТАБРИК ВА РЕКЛАМАЛАР

РЕКЛАМА ЎРНИДА

«Ипотека-банк»: сармоялар истиқболли лойиҳаларга йўналтирилмоқда

ИПОТЕКА BANK

Аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадини кўпайтириш, турмуш фаровонлигини оширишда кичик бизнеснинг ҳиссаси катта. Шунинг учун тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, истиқболли лойиҳалар банклар томонидан имтиёзли тарзда молиялаштирилиши, бу эса янги иш ўринлари ташкил этиш имконини бермоқда. Бунинг тасдиғини «Ипотека-банк» томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мазкур молия муассасаси томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти изчил молиялаштирилмоқда. Натижада соҳанинг ҳудудлар ижти-

шлаб чиқариш самарадорлиги, маҳсулот сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Банк томонидан барча манбалар ҳисобидан жорий йилнинг ўтган етти ойида

орқали юрт равнақи ва ҳалқимизнинг турмуш ободлигини оширишга ҳам ҳисса қўшиб келмоқда.

Жорий йилнинг етти ойида банкнинг капитали 440,2 миллиард сўмни, устав капитали эса 270,1 миллиард сўмни ташкил этди. Депозит базаси ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда 488,1 миллиард сўмга ўсиб, 2 триллион 382 миллиард сўмга етган.

Ҳозир банк томонидан миқдорларга, айниқса, ёш оилаларга кенг қамровдаги сифатли молия хизматлари, жумладан, ипотека ва истеъмол кредитлари тақдим этиб келинмоқда. Бундан ташқари, ўтган давр мобайнида тадбиркор аёллар фаолиятини қўллаб-қувватлашга 75,7 миллиард сўмлик кредитлар йўналтирилган.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, мамлакат иқтисодиёти тараққий этган сайин саноат тармоқлари билан бир қаторда сервис соҳасининг жадал ривожига ҳам эҳтиёж туғилади. Юртимизда ҳам жамиятнинг барча жабҳалари қаторида аҳолига сервис хизмати кўрсатиш тармоқлари изчил равнақ топаётди. Бу жараёнларда «Ипотека-банк» ҳам фаол қатнашмоқда. Жумладан, ушбу мақсадлар учун ўтган етти ой мобайнида 113,1 миллиард сўм, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга 92,9 миллиард

сўм, нооziқ-овқат товарларини ишлаб чиқаришга эса 170,6 миллиард сўм миқдоридан сармоялар йўналтирилган.

Алоҳида таъкидлаш жоиз, «Ипотека-банк» ўз миқдорлари — ишбилармонлар, тадбиркор аёллар, ёш оилаларни молиявий қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги кенг қўламли фаолиятини изчил давом эттирмоқда. Буларнинг барчаси юртимиз равнақи, ҳалқимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади, албатта. Банк миқдорларининг қуйидаги сўзлари бунинг исботи, десак, муболаға бўлмайди.

Темур МИРЗАЕВ,
«Интеграл сервис локс» хусусий оилавий корхонаси раҳбари:

— Мустиқлик туфайли биз каби ишбилармонларга кенг йўл очилди. 20 йил муқаддам хусусий корхонамизга асос солдик. Дастлаб оиламиз аъзолари билан аҳолига 2-3 хил маиший хизмат кўрсатган бўлсак, эндиликда ишчилар сони 75 нафардан, хизмат турлари эса 10 хилдан ортди. Жамоамизнинг асосий қисмини қол-леж битирувчилари ташкил этади. Замонавий хизмат турлари ривожланиб бормоқда. Шу боис, фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида жорий йил бошида «Ипотека-банк»нинг Андижон филиалидан 200 миллион сўм кредит



олдик. Сармоядан унумли фойдаланган ҳолда, хизмат сифатини оширишга эришмоқдамиз. Келгусида ҳам яқин ҳамкоримиз — «Ипотека-банк» молиявий қўмағига суянамиз.

Мирзохид ТОҲИРОВ,
«Миробод текстиль» МЧЖ раҳбари:

— Маҳаллий хомашёдан нотўқима матолар ишлаб чиқаришга йўналтирилган корхона ташкил этдик. Жамоамиз билан ҳамжиҳат меҳнат қилганимиз боис, ишларимиз аста-секин ўз самарасини бера бошлади. Маҳсулотларимиз сифати яхшиланиб, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ошди.

Ўтган йили ишлаб чиқариш қувватларини оширишга эҳтиёж сезилди. Табиийки, бунинг учун катта миқдорда сармоя зарур эди. Ана шунда яқин ҳамкоримиз бўлган «Ипотека-банк»нинг Наманган вилоят филиалига мурожаат қилдик. Банк томонидан корхонамизга 5 йил муддатга имтиёзли шартларда 1 миллиард сўм миқдоридан сармоя ажратилди. Молиявий қўмак эвазига 34 янги иш ўрни яратилди. Зарур миқдорда хомашё харид қилиб, нотўқима матолар ва сочиқларнинг бир неча турларини ишлаб чиқармоқдамиз. Маҳсулотларимиз сифати

янада яхшиланишига ва жаҳон стандартлари талабларига мослигини таъминлашга эришдик. Эндиликда нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам харидорларимиз сафи кенгайиб бормоқда.

Жорий йилнинг ўтган етти ойида қарийб 80 миллион сўмлик маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бердик. Маҳсулотларимизнинг бир қисmini Қозғистон, Украина ва Хитойга экспорт қила бошладик. Банк билан ҳамкорлигимиз муваффақиятларимиз бардавмоллигини таъминламоқда.

Банк матбуот хизмати.

БУНЁДКОРЛИК

12 маҳалла фуқаролар йиғинининг янги биноси фойдаланишга топширилди

Энг улуғ, энг азиз айём арафасида Навоий вилоятининг Кармана туманида «Дехқон» ва «Дегарон», Навбаҳор туманида «Оқ олтин», Конимех туманида «Шўртепа», «Бирлик», «Наврўз», «Дўстлик», Қизилтепа туманида «Ўрта қўрғон», «Тожиқон», «Гамхўр», «Ўзбекистон», Хатирчи туманида «Истиқлол» маҳалла фуқаролар йиғинларининг янги бинолари фойдаланишга топширилди.

Ушбу бинолар замонавий компьютер технологиялари ҳамда мебеллар билан таъминланди.

Давлат бюджети ҳамда ҳомийларнинг маблағи ҳисобидан қурилган мазкур биноларда ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари учун барча қўлайлик яратилган.

Илҳом САТТОРОВ
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Qishloq Qurilish Bank

АТБ «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК»

банк хизматларига бағишланган реклама роликларини тайёрлаш, роликлар ва билбордларни реклама воситаларига жойлаштириш билан шугулланувчи ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади.

Танлов савдолари предмети:

1. 3 та (ҳар бири 30 секунддан, рус ва ўзбек тилларида) реклама роликлари тайёрлаш.
2. Реклама роликларини Тошкент метрополитенидаги мониторларга жойлаштириш.
3. Реклама роликларини халқаро аэропортлар ва вокзалларга ўрнатилган мониторларга жойлаштириш.
4. Реклама роликларини «Афросиёб» тезювар, «Насаф», «Шарқ» тезювар поездларидаги мониторларга жойлаштириш.
5. Реклама роликларини Тошкент шаҳридаги автобуслар салонидagi мониторларга жойлаштириш.
6. Тошкент шаҳри кўчаларига 3х6 ўлчамдаги билбордларни ўрнатиш. Ташкилотлар бир ёки бир неча хизматлар бўйича тижорат таклифларини тақдим этишлари мумкин.

Танлов комиссиясининг ишчи органи номи ва манзили: АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»
Матбуот хизмати, 100011, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 18-А уй.

Хизмат кўрсатиш талаблари бўйича қўшимча маълумотларни
(+99871) 150-76-75, 150-93-39 телефон рақамлари орқали олиш мумкин.

Электрон почта манзили: headoffice@qqb.uz

Танлов таклифларини қабул қилиш муддати: 2016 йил 5 сентябрь соат 17-00 гача.

Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОН

«ЎЗМЕЛИОМАШЛИЗИНГ» ДАВЛАТ ЛИЗИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги техникаларни, жумладан:



Автокран MAN ва ISUZU шассиларида
(юк кўтариш имконияти 16 тонна);



Автосамосвал MAN шассисиди
(юк кўтариш имконияти 20-25 тонна);



Краноманипулятор MAN шассисиди
(юк кўтариш имконияти 5 тонна);



Ёнилғи ташиш машинаси (автобензовоз)
ISUZU шассиди, идишининг сизими 4 тонна;



Лазерли ер текислагич
(қамраб олиш кенлиги-3,5 метр).

Манзил: Тошкент шаҳри, Мустиқлик майдони, 5-уй.
Маълумот учун телефонлар: +99871 239-46-25; 239-43-24; 239-43-65.

Техника қийматининг 30 фоизигача олдиндан тўлаш шарти билан узоқ муддатта лизинг асосида олишни таклиф этади.

Лизинг шартномаси ва унга тегишли ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган ҳолда техникалар бир иш куни давомида лизингга расмийлаштирилиб берилади.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihidin MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 859
8864
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 20:50
Topshirilgan vaqti — 00:40

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Temur XUDOYBERDIEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 5 6